

Биз — бугун 38 миллиондан зиёд катта халқимиз. Машаққатли ва шарафли меҳнатимиз билан дунёда ҳурмат топаётган, эртанги кунга ишонч билан дадил бораётган, матонатли ва ғурури баланд миллатимиз. Биз ўзгаришларни кутиб яшамаймиз, аксинча, уларни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз ва масъулиятли меҳнатимиз билан яратамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA
BIRLASHAYLIK!

2026-yil,
20-yanvar,
seshanba
№10
(5230)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

О‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Жаҳон банки: Ўзбекистон иқтисодиёти 2026 йилда 6 фоиз ўсади

Эътироф

Жаҳон банкининг «Жаҳон иқтисодиёти истиқболлари» ҳисоботи январь ойидаги нашрига кўра, 2026 йилда Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги энг тез ривожланаётган иқтисодиётлар топ-3 талигига киради.

Жаҳон банки прогнозларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти 2026 йилда **6 фоиз ўсади** ва Қирғизистон (6,5 фоиз) ҳамда Тожикистон (6,2 фоиз) билан бир қаторда Европа ва Марказий Осиё (ЕМО) минтақасидаги 22 та ривожланаётган иқтисодиёт орасида **етакчи учталиқдан** жой олади.

1211 эшитади...

МЧЖ ФУҚАРОНИ ЧУВ ТУШИРМОҚЧИ БЎЛДИ, АММО...

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га қилинган навбатдаги мурожаат ҳам ижобий ечим топди.



Маълум бўлишича, Зарафшон шаҳрида яшовчи Ойдин Ҳожиёва 2019 йили кўп қаватли уйлардан хонадон олиш мақсадида «MIRONSHON BUILDING» МЧЖ ҳисоб рақамига 16 миллион сўм ўтказган. Унинг ораси ҳам шу ниятда гаров сифатида 40 грамм тилла ва 4 миллион сўм тўлаган.

Томонлар ўртасида тузилган шартномага кўра, ҳар икки фуқарога бир хонали хонадон ажратилиши ва улар 2022 йилнинг сентябрь ойида топширилиши керак эди. Аммо қурилиш ишлари белгиланган муддатда якунланмаган.

2025 йилнинг октябрида опа-сингил пулларини қай-

тариб олиш учун компанияга мурожаат қилган. Лекин фойдаси бўлмаган. Бу ҳам етмагандек, МЧЖ раҳбарияти уларнинг шартномасини олиб қўйган. Пировардида О.Ҳожиёва Федерациянинг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, амалий ёрдам сўради. Унинг шикоятни назоратга олиниб, маблағлари қайтарилди.

Ушбу ҳолат юртимизда хотин-қизлар ҳақ-хуқуқлари ҳа-миша ҳимоя қилинишини, бунда 1211 рақамли «Ишонч телефони»нинг аҳамияти ҳам бекиёс бўлаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

Хабар

ПОЙТАХТДАН 87 ТА ЭКОЛОГИК ХАВФЛИ КОРХОНА КЎЧИРИЛАДИ

Тошкент шаҳри экологиясини яхшилаш мақсадида пойтахт ҳудудидаги 87 та sanoat объектини бошқа жойларга кўчириш режалаштирилган. Улар орасида металлургия заводлари, паррандачилик хўжаликлари ва цемент ишлаб чиқариш корхоналари бор.

Биринчи босқичда «Ўзворцветмет» заводи Жиззах вилоятидаги sanoat зонасига кўчирилади. Корхона 1 тоифадаги экологик хавфли объект ҳисобланади.

Кўчириш натижасида йилига 226,7 тонна зарарли чиқиндилар камайиши кутилмоқда.

Корхоналар босқичма-босқич замонавий, экологик тоза технологиялар асосида қайта ишга туширилади.

ishonch.uz

ҚУЙДАГИ QR КОДНИ
СКАНЕР ҚИЛИНГ ВА МУҲИМ
ВОҚЕАЛАР БИЛАН ТАНИШИБ БОРИНГ:



Ўтган йили баҳорда картошка билан содир бўлган ҳолат кўпчилиكنинг ёдидан чиқмаган бўлса керак. Ушанда Қозоғистон картошка экспортини тўхтатган эди. Бунинг оқибатида юртимизда картошканинг нархи кескин ошиб кетди. Масъуллар эса ҳолатни об-ҳаво ноқулай келгани боис ҳосил кутилганидан кам бўлгани билан изоҳлашганди.

Шундан сўнг, яъни 2025 йил 8 сентябрда Президентимизнинг «Республикада картошка етиштиришни кўпайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унга кўра, республикада картошка етиштиришни кўпайтириш ва уруғчилигини ривожлантиришнинг асосий мақсади кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгиланди:

– 2028 йилдан ҳар йили унвчанлик даражаси 85 фоиздан паст бўлмаган камида 10 миллион дона картошканинг мини-туғанакларини етказиб бериш;

ҳосилдорлигини 16-17 тоннадан 25-30 тоннага ошириш;

– Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳар йили 1 декабрдан кейинги йилда етиштирилдиган картошканинг «in-vitro» ўсимликлари, микро ва мини-туғанакларининг ҳажмлари бўйича илмий муассасалар ва тадбиркорларга буюртма бериш;

– 2026 йил 1 январдан қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари орқали картошка етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил қийматининг 50 фоизгача йиллик 12 фоиз ставкада 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой муддатга суғурта полиси асосида кредитлар ажратиш.

Шунингдек, 2026 йил 1 январдан картошка етиштирувчилар томонидан қуёш панеллари ўрнатиш харажатларининг 50 фоизгача, бироқ 50 миллион сўмдан ортқ бўлмаган қисми давлат бюджетидан қоплаб берилади.

Қисқаси, тегишли хўжалик билан картошка тақчиллигининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Вазирликнинг маълумотларига кўра, 2025 йил ҳосили учун 23 минг тонна (шундан 19 минг тоннаси маҳаллий) картошка уруғлиги ҳудудларга етказиб берилган. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ресурслари ҳисоби-

«Ishonch» саволи

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига! БУЛТУРГИ ҲОЛАТ ТАКРОРЛАНМАЙДИМИ?

Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш натижасида 2025 йилда

54,8 минг

гектар, шундан фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида 22,8 минг гектар, аҳоли томорқаларида 32 минг гектар майдонга такрорий картошка экилган. Ушбу майдонларда

1,1 миллион

тонна картошка етиштириб, аҳолини картошка билан кафолатли таъминлаш ва нархлар асоссиз ўсиб кетишига йўл қўймаслик, умуман, 2025-2026 йилларнинг қиш-баҳор мавсуми учун

253,8 минг

тонна картошка захира қилиш мақсад қилинган.

Статистик таҳлилларга кўра, ҳар йили 4,5 миллион тонна картошкага эҳтиёж сезамиз. Йиллик қувватимиз 3 миллион 900 минг тоннани ташкил этади ва режа (вазирликнинг иддаосича) 86-87 фоиз бажарилади. Демак, 600-700



минг тонна картошка импорт қилинади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига саволимиз қуйидагича:

Президентимиз муаммо ечими учун ўз вақтида зарур чора-тадбирларни амалга оширишга етарли маблағ ажратиб тўғрисида қарор қабул қилиб, масъулларга вазифаларни кўрсатиб берган эди.

Ҳўш, ўтган даврда вазирлик томонидан мазкур йўналишда қандай ишлар амалга оширилди? Қўтилиши мумкин бўлган тақчилликнинг олдини олиш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилди?

Қолаверса, экологик вазият ўзгариб бораётган, хусусан, сув танқислиги йилдан-йилга кўпаяётган бир шароитда соҳада уруғчиликни ривожлантириш ҳамда замонавий, тежамкор технологиялардан фойдаланиш борасида ҳам амалий ечимлар ишлаб чиқилганми?

Аниқ ва лўнда айтганда, бу йил картошка яна тақчил ва қиммат бўлмаслигида кафолат борми?

Ғуломжон МИРАХМЕДОВ
«ISHONCH»

«Аёллар
дафтари»ни
варақлаганда

ХАЁТБАХШ ХУЖАТ ШАРОФАТИ

Ўтган йили касба уюшмалари ва мутасадди ташкилотлар томонидан Жарқўрғон туманидаги «Аёллар дафтари»га қиритилган 12 минг нафардан ортқ хотин-қизларнинг муаммолари ижобий ҳал этилиб, доимий иш ўрни билан таъминланди. Шундан 5,2 минг нафари хўнарамандчилик, 7 минг нафари касаначилик йўналишларида банд қилинди.

Тумандаги «Бўстон» маҳалласида ҳам аёллар бандлиги масаласига оқилона ечим топилди. Ҳудудда ноанъанавий фаолият турларини кўпайтириш орқали янги иш ўринлари яратишга эътибор қаратилди. Масалан, Бўрихол Раҳмонқулова туячиликни йўлга қўйиб, ўзи ва оила аъзоларининг бандлигини таъминлади. Бугунга келиб, туялар сони 10 тага етди. Улардан ойига 300 литрга яқин сут соғиб олинади. Шифобахш туя сутининг бир литри ички бозорда ўрта ҳисобда 40 минг сўмдан сотилса, оила даромади ойлик 12 миллион сўмдан ошади.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

www.ishonch.uz

www://

ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official



МУТАХАССИС ФОЙДАСИГА ҚАРИЙБ 1 МИЛЛИАРД СЎМ УНДИРИЛАДИГАН БЎЛДИ

Тошкент шаҳрида таълим тизимида меҳнат ҳуқуқлари бузилишига доир яна бир резонансли хабар тарқалди. Фуқаролик ишлари бўйича Янқасарой туманлараро суди АКТ соҳасида фаолият юритган мутахассис фойдасига жами 997 миллион сўмга яқин маблағ ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Воқеанинг мухтасар тафсилоти қуйидагича: Нажибулло Жўраев қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тиклашда амалий ёрдам сўраб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгашига мурожаат қилди. Унинг шикоятини меҳнат ҳуқуқ инспекторлари ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, у 2021 йил 1 апрелдан Янгиҳаёт тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлимида АКТни жорий этиш ва рақамлаштириш бўйича методист лавозимида ишлаб келган.

Президентимизнинг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, давлат органлари ва бюджет ташкилотларида АКТни жорий этиш учун масъул ходимларга лавозим маошидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча устама тўловини шарт. Аммо амалда ушбу тартиб-қоида бир неча йил давомида бажарилмаган.

Жумладан, Н.Жўраевга 2021 йил апрелидан 2025 йилнинг октябригача жами 207 миллион 883 минг сўм устама ҳақ тўланмаган. Бундан ташқари, иш ҳақи ўз вақтида тўланмаган ҳолатлар учун Меҳнат кодексининг тегишли бандига асосан, 789 миллион 123 минг сўм компенсация ҳам мавжуд.

Федерациянинг Тошкент шаҳар кенгаши юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб ва фуқаронинг манфаатини кўлаб, тегишли тартибда судга даъво-ариза киритди. Янгиҳаёт тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг судга тақдим этган маълумотномасида келтирилишича, устама ва қўшимча тўловлар учун сметада маблағ кўзда тутилмасан, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар етарли эмас.

Суд бу вазеларни асосиз деб топди. Чунки молиявий қийинчиликлар иш берувчини қонун талабларини бажаришдан озод этмайди.

Шунга кўра, иш берувчидан Н.Жўраев фойдасига 207 883 000 сўм устама ҳақи, 789 123 000 сўм компенсация пули ундириладиган бўлди.

Аксарият фуқароларда касаба уюшмаси ҳақ-ҳуқуқларимизни етарлича ҳимоя қилмайди, деган тушунча мавжуд. Аслида бу нотўғри. Негаки, касаба уюшмаси меҳнат қонунчилигига оид шикоятларнинг биронтасини ҳам эътибордан четда қолдирмай, қатъий назоратга олади. Натижада ишдан ноҳақ бўшатишдан ходимларнинг кўпчилиги уюшманинг савб-ҳаракати билан ўз вазифасига тикланимда, қанчасига устама ҳақи, компенсация пуллари ундириб берилмоқда. Н.Жўраевнинг иши бунга яққол мисол бўла олади.

Амир АҲМЕДОВ

Сурхондарё вилоятининг Денов тумани, «Катта Қарши» МФЙдаги Тошлоқ кўчасида яшовчи Умеджон Холияров Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили котибиятига мурожаат йўллади. Унинг шикояти тегишли тартибда кенгашимизга келиб тушди.

Фуқаронинг муддаосини ўзининг иштирокида, иш берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида атрофлича ўрганиб. Ўзининг айтишича, у ишдан ноҳақ бўшатишган.

Аниқланган ҳолатларга кўра,

ХОЛИЯРОВ ҚОНУНИЙ ТАРТИБДА «ҲАЙДАЛГАН»МИДИ?

У.Холияров 2024 йил 15 январдан «Zarafshon suv hayot» МЧЖга қарашли «Откамар» насос станциясида электромонтёр бўлиб ишлаб келган. 2024-2025 йилларда ишлаган даври учун 25 майдан 25 июнга қадар меҳнат таътилида бўлган. Аммо ишга чиқиш вақти келганда ўз ҳисобидан таътилга чиқишини сўраб, ариза ёзган. Шундан сўнг илтимоси қаноатлантирилиб, унга уч ойлик таътил берилган. 2025 йилнинг 26 сентябрь кунидан ишга чиқмагани боис иш берувчининг ташаббуси билан қонуний тартибда «ҳайдалган».

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек – ходим ўз мажбуриятини бажармагани туфайли ишдан бўшатишган. Бирок иш берувчи ходим билан тузилган шартномани бекор қилишда хатога йўл қўйган. Масалан, раҳбар У.Холияров билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 161-моддасининг айнан қайси бандига мувофиқ бекор қилганини асослантirmаган. Шунингдек, қонунчиликка биноан, бу ҳақда ходимга уч кун олдин хабар бермаган (МКнинг 165-моддаси). Бундан ташқари, вакиллик органининг розилиги олинмаган (МКнинг 164-моддаси).

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, иш берувчига тақдимнома киритдик. Шундан сўнг У.Холияров аввалги лавозимига ишга тикланди.

СУД АДОЛАТЛИ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЧИҚАРДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгашига Курбонмурот Норбоев, Абдураим Гаффоров, Чори Сапаров ҳамда Қудрат Маматқулов ишдан ноҳақ бўшатишганликлари ҳақида шикоят қилишди.

Ушбу мурожаат тегишли тартибда ўрганилди.

Маълум бўлишича, уларга нисбатан ноҳақлик қилишган. Бу ҳақда иш берувчига тақдимнома киритилди. Аммо фойдаси бўлмади. Шундан сўнг шикоятчилар манфаатларини кўлаб, тегишли тартибда судга даъво-ариза киритдик. Пировардида иш берувчининг ноқонуний бўйруғи бекор қилиниб, Қ.Норбоев Бандихон туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига тикланди ҳамда унга мажбурий бекор юрган кунлари учун 9 миллион 831 минг 867 сўм иш ҳақи, 4 миллион сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Чори Сапаров Қизилқум тумани 22-уму-

мий ўрта таълим мактаби ЧҚБТ раҳбари вазифасига тикланиб, мажбурий бекор юрган кунлари учун 14 миллион 242 минг 536 сўм иш ҳақи ҳамда 5 миллион сўм миқдорида маънавий зарар пули олди. Ўз лавозимига қайтган А.Гаффоровга эса, 23 миллион 89 минг 249 сўмлик иш ҳақи ҳамда 6 миллион сўмлик маънавий зарар тўланди. Шунингдек, Қудрат Маматқуловга 8 миллион 477 минг сўм кафолатли тўлов ҳамда 3 миллион 400 минг сўм маънавий зарар қоплаб берилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Сурхондарё вилояти
кенгаши меҳнат ҳуқуқ
инспектори

Шарҳ

Президентимизнинг 2024 йил 5 сентябрдаги «Давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

ТИББИЁТ СОҲАСИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Ушбу ҳужжат давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этиш орқали аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш билан бирга, шифокорлар ва ҳамшираларнинг меҳнат ҳуқуқларини мустаҳкамлашга асос бўлмоқда.

Қарор доирасида тиббий хизматларни молиялаштиришнинг шаффоф ва аниқ механизмлари жорий этилиши назарда тутилган. Бу эса тиббий муассасалар фаолиятини барқарор молиялаштириш, шифокорлар ва ҳамширалар меҳнатига ҳақ тўлашда адолатли ва асосли ёндашувни таъминлайди. Кўрсатилган тиббий хизматларнинг аниқ ҳисоб-китоби ходимлар меҳнатининг ҳаққоний баҳоланишига замин яратади. Шунингдек, давлат тиббий сугуртаси тизими амалиётга татбиқ этилиши натижасида тиббий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш имкониятлари кенгайди.

Қарор тиббий ходимларнинг касбий ривожланишини таъминлашга ҳам қаратилган. Хусусан, шифокорлар ва ҳамширалар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва замонавий тиббий билимларни ўзлаштириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Касаба уюшмалари мазкур қарор ижросини таъминлашда фаол иштирок этиб, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимояси ва қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим институт сифатида тайёндонга чиқмоқда. Жумладан, иш вақти ва ўз вақтида дам олишларини таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш масалалари ҳақида диққат-эътиборимизда.

Хулоса қилиб айтганда, қарор тиббий хизмат кўрсатувчи ходимлар учун муносиб меҳнат шароитлари, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизими ҳамда кучли ижтимоий ҳимояни таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжатдир. У соғлиқни сақлаш соҳасида барқарор ривожланишни таъминлашга ва тиббий хизматлар сифатини оширишга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Зафаржон ҚУРБОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Республика кенгаши
Фаргона вилояти меҳнат ҳуқуқ
инспектори

Дилдаги гаплар



нафақага кузатдик. Кенгаш раиси уларнинг ҳаммаси билан меҳрли хушлашади. Кўнглидаги ниятларини билдиради. Елкаларига тўн ва қимматбаҳо сарполар ташлайди. Мен «қарс-курс» суратга оламан...

Касаба уюшмалари юртимиздаги энг катта ташкилот. Демак, масъулият ҳам залворли. Олдинда турган юмушлар, берилаётган топшириқлар, халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги вазифалар долзарб. Мен бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жамоасига, Навоий вилояти кенгашининг барча аъзоларига собитқадамлик ва саломатлик тилайман.

Нормурод МУСОМОВ,
журналист

ЯХШИЯМКИ, ЯХШИЛАР БОР!

Ҳаётимиз давомида турфа одамларга дуч келамиз. Бири сабоқ бўлса, бошқаси ўрнак бўлади. Айниқса, бугунги алғов-далғов замонда одам одамга, яхши яхшига қаҳат бўлиб қолди ҳисоб. Ширин дийдор, нафис меҳр қиёматга қолаётганга ўхшайди. Шундан баъзан дилим дарз кетади. Гоҳида эса «Яхшиям орамизда Назира опага ўхшаган раҳбарлар, оналар, опа-сингиллар бор», деб ўзимга ўзим тасалли бераман.

Назира опа ким дейсизми?.. Нима учун катта бир жамоада ҳамма у кишини бирдек ҳурмат қилади, имкон қадар яқин бўлиши, авайлаб-асрагиси келади? Осмон қанчалар қоронғи бўлса, юлдузлар шунчалик чарақлаб кўринади деганларидек, опанинг меҳр-мухаббат, садоқат ва инсонийлиги ҳақида шуъла сочиб туради. Мен бот-бот эслаб турадиган бу аёл одамийлигини ҳамма нарсадан устун қўяди. Замондошлар учун қанақа ва қандай фазилатлар керак бўлса, унда ҳаммаси мавжуд. Шуни ҳис қилганимдан кейин менинг ҳам ишга, ҳаётга, Навоий вилояти ахлига муносабатларим бутунлай янгиланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри бўлган «Ishonch» ва «Ishonch – Доверие» газеталарининг Навоий вилояти мухбирлиги вазифасига ўтганимда, аввал бошда ишга унчалик кўнглим чопмади. Чамаси беш-олти ой давомида ёқиб-ёқмай ишладим. Кунда-кунора бўладиган хайъат йиғилишларига киргим келмайдди. Тўғриси, бироз бегонасирайман. Шу йиғилиш ёки тадбир мен кирмасам ҳам ўтади-ку, дея ўзимни ишонтираман. Назира Тоғаева раҳбар сифатида бундан бироз ранжиган бўлиши табиий. Бироқ ичидаги гапини, шикоят ва талабларини ташқарига чиқармади. Ҳеч кимга

арз-дод қилмади. Салкам бир йил давомида у кишининг талаблари келиб эмас, ўз ихтиёрини талоқлаб, ишга қилиб-кетиб юрдим. Яна шуниси бор эдики, опа менга бирор гап айтмоқчи бўлса, котибаси ёки телефони орқали хонасига чақирмайди, балки мен ўтирадиган хонага ўзи кириб келади. Ёши мендан катта бўлса-да, «Ака» деб мурожаат қилади. Хижолат тортаман. Мулоҳаза қилсам, у киши ўша пайтларда мени анча авайлаган, бегона муҳитга кўникиб кетшимни кутган экан. Бу орада мен ҳам опани ўзимча синовдан ўтказгандек бўлдим. Кейинчалик жамоанинг ҳар бир ишига масъулият, меҳр-мухаббат билан ёндашадиган бўлдим. Ҳар бир масалани мириқиб ёздим. Ёзганларим газетга чиққандан кейин кўп ва кўп раҳматлар ёшитиш ҳам насиб этди.

Истисно тариқасида шуни қатъий ишонч билан айта оламankи, бугун касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган савобли ишларнинг чегараси йўқ. Ногиронларнинг ҳолидан хабар олиш, камбағал ва боқувчисини йўқотган инсонларни қўллаб-қувватлаш, бошпанасизларга уй бериш, беморларни юртимизнинг турли ҳудудларидаги сўхатгоҳларга жойлаштириш, болажонларни ёзги оромгоҳларда дам олдириш, турли корхона ва ташкилот-

ларда юз бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимларга муносиб ишлаш муҳитини яратиш, жамоа шартномаларини тузиш, туман-шаҳарларга бориб касаба уюшмалари фаолларининг иш юритишини мувофиқлаштириш каби масалалар бирор марта кун тартибидан тушиб қолганини эслай олмайман.

Гапнинг сирасини айтадиган бўлсам, Назира Тоғаева вазифа-ю топшириқларни бажаришда ходимлари билан тортишиб, баҳслашиб қолганини кўрганман. Уларга бугун қаттиқ гапирган бўлса, эртаси кун иш ҳеч нарса бўлмаганидек, хайр-хўшлашиб кетаверади.

Иш бор жойда, албатта, хато ва камчиликлар бўлиши табиий. Бир сабаб билан тахририятдан «хайфсан» олдим. Орадан уч ой ўтгач, бош муҳаррир видеоселектор йиғилиши ўтказиб, «Мустақиллик байрами арафасида шу ходимларимизни кечирсак ва сизларнинг ижозатларингиз билан бироз рағбатлантирсак, нима дейсизлар? Мен бу ҳақда вилоятлар кенгашлари раҳбарларидан ҳам суриштираман! Ўртада яширадиган гап бўлмаслиги керак!» дея жамоага мурожаат қилди. Бош муҳаррирининг фикри қатъий эди. Назира Тоғаева мен ҳақимда нима дер экан, деган савол ҳаёлимни чулбаб олди. Шукрлар бўлсинки, раҳбаримиз тақлифига ҳеч ким эътироз билдирмади.

Мана шунга ўхшаш уч-тўртта воқеа сабаб ўзимнинг хатоларимни, «Ishonch» газетаси жамоасидаги бағрикенгликни, Назира Тоғаеванинг меҳр-оқибатини тушуниб етдим. Энг муҳими, мен бир оддий инсон сифатида шундай ахил жамоаларда

ишладим, касбдош ва замондошларимнинг одамхунлигидан баҳра олиб яшадим.

Бугун кимдир менга келиб Назира опа ҳақидаги шахсий фикрларимни сўраса, унинг одамийлик сифатларини санаш билан бирга, яхши кўришимни ҳам қўшиб айта оламан. Ботинимдан жамоага қаратилган илиқ ҳароратнинг пайдо бўлишида атрофимдаги яхши инсонларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлганини алоҳида таъкидлайман. Яхшиликни, меҳр-оқибатни яшириб бўлмайди. Тўлқин Ўсаров бот-бот тушликка тақиф этади, Хуршид Халилов бир пиёла чой устида кизгин суҳбатга чорлайди. Зайниддин мақола учун маълумотлар тақдим этади, Олим ака турли тадбирларга боришимни тайинлайди. Моҳирул синглим тиминсиз ишлаш лозимлигидан гап очади, Анора опа маслаҳатларини аямайди, Саломат дўстим бир кунда тўртбеш марта соғлиғимни, кайфиятимни сўрайди, Норимхон Нурмонова аёлиқ ташвишларидан, онанинг бурчи ва масъулиятдан гапиради. Нафиса Ҳабибуллаева касаба уюшмалари тизимида эрта-индин ўтказиладиган тадбирлар «Ishonch» газетасида ёритилиши кераклигини эслаб туради. Дилафруз синглим ишхонага киришим билан ҳақида бир чойнак иссиқ чой дамлайди. Нигора чойини ўзгача меҳр билан пиёдаларга қуяди. Жавлон иккаламиз қизгин ҳазил-мутойибага киришамиз. Бундай жамоани, ахил оилани унутиб бўладими? Асло йўқ! Хуллас, уларнинг ҳамма-ҳаммаси юрагимга кириб кетишган...

Бу ахил жамоа сабаб Навоийда жуда кўп дўст-биродар орттирдим. Йиллар давомида бир неча нафар жамоадошларни



B2 СЕРТИФИКАТИ – ТАЪЛИМ СИФАТИ УЧУН ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш сифатини ошириш, ўқитувчилар касбий салоҳиятини халқаро стандартларга мослаштириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу йўлда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Аммо хорижий тил ўқитувчиларига B2 даражадаги тил сертификатини олиш талаби кенг ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий муаммо сифатида намоён бўлди. Зеро, гап тил билиш тўғрисида эмас, аксинча, минглаб устозларнинг меҳнат ҳуқуқи, касбий қадри, жамиятдаги ўрни ҳақида кетмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги «Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори би-

лан умумтаълим муассасаларида фаолият юритаётган хорижий тил ўқитувчилари учун камида B2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро сертификатга эга бўлиш талаби белгиланганда, жамоатчилик уни замон талабига жавоб берадиган, таълим сифатини оширишга қаратилган муҳим қадам сифатида қабул қилди. Чунки глобаллашув шароитида тил билиш рақобатбардошлик, очиқ дунёга чиқиш, замонавий билимлардан баҳраманд бўлиш имкониятидир.

Лекин орадан кўп ўтмай қарор ижроси билан боғлиқ муаммолар юзга қалқиб чиқа бошлади. Дастлаб талабни бажариш мuddати 2024-2025 ўқув йилигача этиб белгиланди. Кейинчалик педагоглар, касаба уюшмалари ва жамоатчилик мурожаатлари асосида мuddат узайтирилди.

Сўнгги икки йил ичида ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари ва касаба уюшмаларига келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилинса, айрим раҳ-

барлар B2 сертификати талабини педагогга нисбатан босим ўтказиш, ишдан четлатиш ёки бўшатиш воситасига айлантиргани аёнлашади. Ҳатто баъзи раҳбарлар сертификат баҳонасида ўқитувчилардан «ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш» ҳақида ариза ёздириб олгани ёки дарс соатларини қисқартиргани ҳақида эшитдик. Ваҳоланки, Меҳнат кодексига меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари қатъий белгиланган. Хусусан, кодекснинг 168-моддасида тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда шартномани бекор қилиш асослари санаб ўтилган бўлиб, улар орасида B2 сертификатига эга эмаслик деган норма мавжуд эмас. Шунингдек, 161-моддада иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатиш мумкин бўлган ҳолатлар белгиланган, аммо бу ерда ҳам тил сертификатига асос сифатида келтирилмаган. 151-моддада ходимни ишдан четлаштириш ҳолатлари кўрсатилган бўлиб, унда ҳам B2 сертификати йўқлиги назарда тутилмаган.

Буни Давлат меҳнат инспекцияси ҳам расман тасдиқлади. Инспекция томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида B2 сертификатига эга бўлмагани сабабли хорижий тил ўқитувчиларини ишдан бўшатиш ёки ишдан четлатиш меҳнат қонунчилигига зид экани қайд этилди. Бу ҳақда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига тақдимнома киритилиб, юқоридаги ҳолатларга чек қўйиш талаб қилинди.

Масалан, ўтган йилнинг июлида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан вазирликка йўлланган расмий мурожаатда B2 сертификатига эга бўлмаган хорижий тил ўқитувчиларини ишдан бўшатиш, қарор ижросига аниқлик киритиш, жойларда педагогларга нисбатан босим ва камситишларга йўл қўймаслик сўралди. Бакалавр дипломи бор педагог тўлиқ меҳнат қилиш ҳуқуқига эга экани таъкидланди.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Президентимизнинг 2019 йил 29 апрелдаги тегишли фар-

Мулоҳаза

мони билан тасдиқланган «Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»да хорижий тил ўқитувчиларини B2 даражага етказиш вазифаси қўйилиб, бу босқичма-босқич, қайта тайёрлаш, малака ошириш, рағбатлантириш орқали амалга оширилиши кўзда тутилди. Концепцияда жазолаш, ишдан бўшатиш ёки маъмурий босим ҳақида сўз йўқ. Демак, ўқитувчиларга қўйилаётган талаб, аввало, инсонпарварлик, қонунийлик ва адолат тамойиллари асосида жорий этилиши жоиз.

Яқинда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги B2 даражадаги сертификатга эга бўлмаган хорижий тил ўқитувчиларига 2026-2027 ўқув йили бошлангунига қадар имконият берилганини маълум қилди. Бу давлат ҳар қандай вазиятда педагог ходимларни ҳимоя қилишини, қўллаб-қувватлашини аниқлади.

Маълумотларга кўра, 2025 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида 5 минг нафардан зиёд ўқитувчи B2 сертификатига эга бўлган. Бугунга келиб, уларнинг сони 39 минг нафардан кўп. Маъмурий рақамлар босим билан эмас, аксинча, имконият, ишонч билан натижага эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Сирасини айтганда, B2 сертификати – таълим сифати учун муҳим талаб. Аммо у ҳеч қачон ўқитувчининг кўрқитиш ёки камситиш воситасига айланмаслиги керак. Зеро, ҳар қандай ислохот замирида инсон қадри, унинг тақдири турибди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»



2025 йил 25 октябрда тўй ва маросимларда исрофгарчиликка чек қўйиш мақсадида «Маромийлик» лойиҳаси эълон қилинди. Унинг доирасида амалга оширилган ишларга Республика маънавий ва маърифат маркази, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, «Нуруний» жамғармаси масъул этиб белгиланди.

Мана, орадан салкам уч ой вақт ўтди. Аммо масъуллар бу бўйича бирон иш қилгани ҳақида эшитмадим

ҳам, кўрмадим ҳам. Яқинда бир танишимнинг тўйига бордим. Очиғи, дастурхонда анқонинг уруғидан бошқа ҳамма нарсаси бор. Машҳур санъаткорлар навабтма-наваб қўшиқ қўйламоқда. Тантана яримлагач, «Келин салом» маросими ўтказилди. Кўзим билан кўрган дабдабазоликни сўз билан ифодалаб беришм мушкул. Қариндош-уруғлар келини тиллага қўмиб ташлади ҳисоб. Хонанда эса атайлаб, «Бриллиант кўзли биллакузук, бриллиант кўзли тилла занжир, бриллиант кўзли узук», дея таъ-

кидлаб турди. Ўз навбатида, келин томон ҳам ҳар бир кўришган инсонга махсус қутиларга солинган совғаларни улашди.

Ҳўш, «Маромийлик» лойиҳаси масъуллари ва бошқа мутасаддилар бундай тўйлар ҳақида эшитиш-маяптими? Балки ўзларини кўриб кўрмасликка, эшитиб эшитмасликка олишаётгандир... Ахир, қуруқ семинару тренинглари ўтказиш билан қутилган натижага эришиб бўлмайди-ку!..

Хонбиби ҲИММАТ қизи,
журналист

Оғриқ тишлар

АЛАМИНИ БОЛАЛАРДАН ОЛАЁТГАНЛАР

Йўл-йўлакай тингланган ҳаётини воқеа



Дугонаси билан таксига чиққан талабаниннг ҳикояси дилимни аччиқ ҳисларга тўлдириб. Шу боис у айтиб берган воқеа тафсилотларини сизга ҳам улашгим келди. Бундан асосий мақсадим – бошқаларни ҳам огоҳлантириш...

«Мен Жиззах давлат педагогика университетиди ўқийман. Тажриба ўрганиш, қолаверса, шахсий даромад орттириш учун оилавий мактабгача таълим ташкилотига иш сўраб бордим. Муассаса раҳбари бунинг учун 500 минг сўм беришим кераклигини айтди. У бу пулни хужжатларни расмийлаштириш ҳамда кимларгадур «узатиш» билан изоҳлади. 1 миллион сўм маош ваъда қилгани учун сўраганини бердим.

Иш топганимга хурсанд эдим. Аммо ҳамкасбларимдан бири ҳафсаламни пир қилди: «Бу ерга бекор келибсан, расман ишга киролмайсан, ойлигингни олсанг ҳам катта гап. Раҳбар қип-қизил фирибгар. Сен-ку унга 500 минг сўм берибсан, 3-4 миллион сўм узатганлар ҳам бор. Маошнинг тўлиқ бермагани учун кетолмаймиз. Унинг топган гапи: «Келаси ой банкдан пул оламан, ўшанда тўлайман».

Дарҳақиқат, кўп ўтмай ушбу жамоада ҳеч ким узоқ ишламаслигини, айримлар маошини олишининг улдасидан чиқиши, баъзилар қуруқ қўл билан қолишини аниқладим. Энг ачинарлиси, бу ерда йиғлоқи болаларни мудира ва унинг тарбиячи вазифасидаги келини тарсакилаб, жавонга қамаб қўйarkan.

Муассаса директорининг қарзи шу даражада кўп эканки, уйдаги жиҳозларнинг аксариятини МИБ ходимлари, бир қанчасини таниши олиб кетибди. Унга пул берганларнинг айримлари қайтариб ололмасликларини билиб, фарзанди ёки набирасини маъмурий муассасага топширибди, яъни шу йўл билан пулларини ундирмоқчи бўлишди.

Мудира эса бу болаларни «текинга боқайман», деб ҳисоблар ва уларни уриб, ҳовуридан тушарди. Жазолашадиганлар орасида иштонини ҳўлаб қўядиганлар, шунингдек, эрталаб соат 8 дан кеч 20-21

гача муассасада қолдирилаётган болалар ҳам бор эди. Фарзандларини кеч олиб кетадиганларнинг аксари тадбиркор бўлиб, улар икки ҳисса кўпроқ ҳақ тўлашарди. Муассаса ходимлари иш ҳақларини ололмаганларидан сўнг мудираниннг қилғилиқларини уяли алоқа воситаларида тасвирга ола бошлаганлар. Қисқаси, опанинг болаларни ураётгани, жавонга қамаб қўяётгани, тарбияланувчининг сумкасидаги ширинликни олиб еётгани, унинг тарбиячи лавозимидаги келини 5-6 ёшли қизалоқларга уйининг полини арттираётганига оид тасвирларни кўрдим.

Бундан ташқари, мудирага тегишли «Ундан шунча пора олганман, бундан бунча», «Қаерга борсанг боравер, «юқор»ида танишларим бор» мазмундаги аудиоёзувларни ҳам эшитдим. Болаларни уриб, жазолашларига, уларга кечаги овқатни қайтариб беришганига шахсан гувоҳ бўлдим.

Орадан бир ой ўтди, аммо ваъда қилинган иш ҳақимни ололмадим. Яна 10 кун ишладим ва кетишга қарор қилдим. Қутганимдек мудира «Иш ҳақингни кредит олишим билан бераман, берган порангни эса унут», деди. Бунга жавобан онага прокуратурага ёзилган, лекин ҳали топширилмаган аризамни кўрсатдим.

Аризада мудираниннг қилмишлари акс этган видео ва аудиоёзувлар илова қилиниши билдирилган эди. У бўлса, ижирганиб: «Ота-онанг зўр тарбия берибди», деди. Аммо ўша заҳоти бир ярим

Таассуф

ЗОВУР ЧИҚИНДИХОНАГА, ТРАНСФОРМАТОР ХАВҒГА АЙЛАНГАН

Навоий вилояти, Кармана туманининг «Кўҳнақўрғон» маҳалласида ахвол ташвишли. Айрим жойларда зовурлар ичи маиший чиқиндилар билан тўлиб-тошган. Бу атроф-муҳитни ифлослантирибгина қолмай, санитария-эпидемиология ҳолати ёмонлашишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Энг хавотирли жиҳати, ҳудудда ён-атрофи ўралмаган, ҳимоя воситалари йўқ

трансформатор ҳам бор. У ҳар кун ишдан ўтадиган ёш болалар ҳаёти учун хавф тудирапти.

Маҳалладаги бу манзарага ким жавоб беради? Муаммо фожиага айланмасидан олдин чора кўриладими? Мутасаддилардан жавоб кутиб қоламиз.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

Азамат Шарипов ижросида

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

«БАҲОР КЕЛГҲНЧА...»

КЎШИГИ

Ҳар баҳор чокидан сўкилар гуллар. Тириклик йўлидан тўкилар йиллар. Умр карвонига қўшилар йўллар. Ким бор, ким йўқ яна баҳор келгунча.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi ISSN 2030-5002 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.	«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие») Bosh muharrir Husan ERMATOV «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.	Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73 Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navo'iy viloyati – (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93	Navbatchi muharrir: Salim ABDURAHMONOV Musahhihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV Boshiga topshirish vaqti – 21:00 Topshirildi – 21:30 Bahosi kelishilgan narxda Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.	Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz Nashr ko'rsatkichi: 133 Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.	Umumiy adadi 35 382 ta Shundan: 6 788 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda; 19 415 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 179 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-111 1 2 3 4 5 6
--	--	---	---	---	--